Автомобиль йўллари иккала тарафидан қуйидаги ҳолларда, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари (худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари, бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари) асосида қишлоқ хўжалиги ерларига иморатлар қурилиши, Ҳукумат қарорларида белгиланган ҳолларда — белгиланган тартибда объектлар: йўлнинг қатнов қисми четидан:

очик жойларда — 200 метр узокликда;

аҳоли яшаш жойларида, автомобиль йўллари иккала тарафидан аҳоли пунктлари чегаралари туташган тарафида — 100 метр узокликда жойлаштирилиши мумкин.

34. Ер ости ва ер устидан ўтувчи муҳандислик коммуникациялари меъёрий ҳужжатлар асосида ривожланишни ҳисобга олган ҳолда 22-бандда белгиланган хавфсизлик минтақасидан ташқарида ўтиши керак.

Бирорта коммуникация тармоқларининг тўғридан-тўғри йўл тўшамасида жойлаштирилиши тақиқланади.

35. Автомобиль йўлларида таъмирлаш ишларини олиб боровчи ташкилотлар келишилган тартибга риоя этишлари, бажариладиган ишларни ўз вақтида сифатли тугаллашлари, шунингдек транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши шарт.

Мазкур ташкилотларнинг масъул ходими таъмирлаш ишлари бошланишидан олдин, технологик жараён, ишларни бошлаш ва тугаллаш вақти кўрсатилган ҳужжатларни бош пудратчи ташкилотлардан олиши керак.

36. Автомобиль йўллари минтақаларида сервис ва инфратузилма объектларини жойлаштириш белгиланган тартибда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан келишилгандан ҳамда ер ажратиш комиссияларидан ўтгандан кейин амалга оширилади.

37. Йўл бўйида амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида жойлашган бозорлар ва бошқа ташкилотлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари бўлса, улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар транспорт воситалари учун барча қулайликларга эга, кириш ва чиқиш йўллари бўлган майдонлар ҳамда транспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари бўлишини белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

38. Табiiй офатлар рўй берганда, фавқулодда ҳолатлар юзага келганда ёки таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилганда йўл ташкилотларининг масъул ходимлари йўл қисмида «Ҳаракатланиш тақиқланади» йўл белгисини ўрнатиб, транспорт воситалари ҳаракатини тўхтатиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолатларда биринчи навбатда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига хабар берилиши керак.

Оммавий тадбирлар ўтказиш пайтида эса йўлларда ҳаракатланишни вақтинча чегаралаш ёки тўхтатиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фармойиши бўлиши лозим.

Автомобиль йўлларида ҳаракатланишни вақтинча чегаралаш ёки тўхтатиш тегишли йўл ташкилотлари томонидан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

IV. Ваколатли органлар томонидан автомобиль йўллари ва унинг минтақасини назорат қилиш тартиби

39. Йўллардан фойдаланишда содир бўлган ва транспорт воситалари ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи ҳамда ҳаракат хавфсизлигига зид камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш учун амалга ошириладиган кундалик назорат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

40. Автомобиль йўллари ёқаси ва уларга ажратилган минтақалар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда мавсумий (баҳорги ва кузги), назорат тартибидаги ва махсус кўриклар орқали доимий назоратга олиниши керак.

41. Кўрик давомида аниқланган камчиликлар ва тартибсизликлар (ноқонуний қурилишлар) юзасидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан тегишли ташкилотларга ёзма кўрсатмалар ва маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилиши зарур.


Ёзма кўрсатмалар ва тақдимномалар олган тегишли ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зудлик билан, ўз ваколати доираси-

да, аниқланган камчиликларни ва тартибсизликларни (ноқонуний қурилишларни) бартараф этиш чораларини кўриши керак.

42. Автомобиль йўлларини бошқариш бўйича махсус ваколатли орган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан (шаҳар кўчалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан) келишилган ҳолда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (шаҳар кўчаларини) бир йилда икки марта (бахор ва кузда) мавсумий кўрикдан ўтказиши ва кўрик натижалари асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги тадбирларини ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориши, ҳаракат хавфсизлигига зид ҳолатлар ёки йўлнинг ҳолатига боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисалари кўпайган йўл қисмларини келгуси йилга таъмирлаш режасига киритиш бўйича тегишли органларга таклиф тақдим этиши (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ўз режаларига киритиши) зарур.

V. Яқунловчи қоида

43. Ушбу Қоидаларда белгиланган талабларни бузганликда айбдор ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарорига
2-ИЛОВА

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортда ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида» ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортда ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уни мувофиқлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

автопоезд — тиркама (тиркамалар) уланган механик транспорт воситаси;

катта ҳажмли юк — ўлчамлари (баландлиги, кенглиги ёки узунлиги)нинг бирорта кўрсаткичи уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида ташишда мазкур Қоидаларда баён этилган меъёрий ўлчамлардан катта бўлган юк;

катта ҳажмли транспорт воситаси — юкланган ёки юксиз ҳолда ўлчамлари (баландлиги, кенглиги ёки узунлиги)нинг бирорта кўрсаткичи уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида ҳаракатланиши учун мазкур Қоидаларда баён этилган меъёрий ўлчамлардан катта бўлган транспорт воситаси;

кузатувчи махсус автомобиль — ташиш йўналишида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида (белгиланган тартибда тўлов асосида) юкли автомобилни кузатиб боровчи Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг патруль автомобили;

маҳаллий ташувчи — қонунчилик асосида ўзи эгалик қиладиган автотранспортда юкларни ташишни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси;

махсус рухсатнома — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида келишилган аниқ йўналиш бўйича катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташишга ҳуқуқ берувчи ҳужжат. Махсус рухсатнома автомобиль йўлига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда эгалик қилувчи юридик шахс томонидан бир мартали ёки кўп мартали ташув учун берилади;

оғир вазнли юк — вазни уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида ташишда транспорт воситасининг филдирак ўқига тушадиган оғирлиги мазкур Қоидаларда баён этилган меъёрий миқдорлардан ортиқ бўлган юк;

ташишга рухсат берувчи ташкилот — катта ҳажмли ва оғир вазн-

ли юклар билан автотранспорт воситасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракатланишга рухсат берувчи ва ҳаракатланиш йўналишини белгиловчи, йўлларга эгалик қилувчи юридик шахс;

ташишни келишувчи ташкилот — катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиш йўналишидаги автомобиль йўлларига, сунъий иншоотларга ёки алоқа йўллари (кўприклар, йўл ўтказгичлар, темир йўл кесишмалари ва бошқалар)га эгалик қиладиган ёки улар балансида бўлган юридик шахс, шунингдек ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати;

юк ташиш — транспорт воситаларининг юк билан ҳаракатланиши;

юкларни автотранспортда халқаро ташиш — юкларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки ташқаридан мамлакат ҳудудига ташиш, шунингдек мамлакат ҳудудидан транзит ташиш;

юкларни автотранспортда маҳаллий ташиш — юкларни Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларидан чиқмаган ҳолда ташиш;

ҳимоя қилувчи автомобиль — катта ҳажмли ва оғир вазнли юкни транспорт воситасида ташишни кузатиб бориш ва хавфсизлигини таъминлаш учун юкни ташувчи ёки жўнатувчи томонидан ажратилган автомобиль;

чет эл ташувчиси — қонунчилик асосида ўзи эгалик қиладиган автотранспортда юкларни ташишни амалга оширадиган хорижий юридик ёки жисмоний шахс.

3. Мазкур Қоидалар катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташишда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг техник ҳолати, жиҳозланиши ва қўшимча жиҳозлари ҳамда уларнинг ҳаракатланишида хавфсизликни таъминлаш бўйича асосий талабларни белгилайди.

4. Мазкур Қоидалар ҳажмлари ва оғирлик хусусиятлари бўйича амалдаги давлат стандартларида кўрсатилган меъёрлардан юқори бўлган ва йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган ўлчамлардан катта бўлган транспорт воситаларида юк ташишни тартибга солади.

5. Қуйидаги ўлчамларнинг бирортасидан юқори ўлчами билан фарқ қиладиган транспорт воситаси (юк билан ёки юксиз) катта ҳажмли ҳисобланади:

йўл сатҳидан баландлиги — 4,0 метр;

кенглиги бўйича — 2,55 метр (рефрижераторлар ва изотермик кузовлар учун — 2,6 метр);

узулиги бўйича бир тиркамали ёки ярим тиркамали автопоезднинг узунлиги — 20 метрдан, 2 ёки ундан ортиқ тиркамали автопоезднинг узунлиги — 24 метрдан зиёд, шунингдек ортилган юк транспорт воситаси юкхонасининг орқа нуктасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турса.

6. Автотранспорт воситалари ўқларига тушадиган оғирлик миқдоридан келиб чиққан ҳолда, икки гуруҳга бўлинади:

А гуруҳи — I — III тоифали автомобиль йўлларида, шунингдек йўл қопламаси автомобиль ўқига тушадиган оғирлик 13 тонна бўлган юкламага мослаб қурилган IV тоифали йўлларда фойдаланиш учун мўлжалланган, энг

кўп юкланган ўқдан йўл қопламасига тушадиган оғирлик 6 тоннадан 13 тоннагача бўлган автомобиль транспорти;

В гуруҳи — барча йўлларда фойдаланиш учун кўзда тутилган, энг кўп юкланган ўқдан йўл қопламасига тушадиган оғирлик 6 тоннагача бўлган автомобиль транспорти.

Автотранспорт воситаларининг рухсат этилган массаси 1-иловадаги ва ўқ бўйича вазн белгилари (оғир юкланган юкнинг филдираклар орқали йўлга кўрсатадиган таъсири) 2-иловадаги жадвалларда келтирилган кўрсаткичлардан ошмаслиги керак.

7. Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташиниш, уларни бир неча қисмларга бўлиш ва бошқа транспорт воситаси билан ташиниш имкони ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолдагина амалга оширилади.

Транспорт турини танлаш катта ҳажмли ёки оғир вазнли ускуна ёки маҳсулотни тайёрлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилади. Ҳисоб-китобларда автомобиль йўллари, сунъий иншоотлар, темир йўл кесишмалари ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирлари билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ҳисобга олинади.

8. Йўл ҳаракати қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларини бажармаслик натижасида йўл ва сунъий иншоотларга зарар етказилса, юк ташиниш амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс ва транспорт воситасининг ҳайдовчиси амалдаги қонунчилик бўйича жавобгарликка тортиладилар.

II. Рухсатномалар бериш ва ҳаракатланиш йўналишини келишиш тартиби

9. Юк ташувчи ёки юк жўнатувчи жисмоний ёки юридик шахс (ёки уларнинг вакиллари) махсус рухсатнома ва йўналиш чизмасини олиш учун йўлга эгалик қилувчи юридик шахсларга ташувни амалга оширишдан камидан 10 кун олдин транспорт воситасининг русуми, тури, давлат рақами белгилари ва юкнинг ўлчамлари, ҳайдовчи ва юк ташинишга масъул бўлган ходимларнинг исми, фамилияси, отасининг исми кўрсатилган ёзма хат билан мурожаат этишлари зарур.

10. Амалдаги меъёрий ҳужжатлардаги талабларга мувофиқ йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар томонидан юк ташинишга махсус рухсатнома ва ҳаракатланиш йўналиши аниқ белгиланган йўналиш чизмаси берилади. Юк ташувчи ёки юк жўнатувчи жисмоний ёки юридик шахс (ёки уларнинг вакиллари) йўналиш чизмасини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан (15 ва 16-бандларга асосан) белгиланган тартибда келишадди, сўнгра йўналиш чизмаси ва рухсатномадан бир нусха қолдиради.

Рухсатнома бир марта юк ташиниш учун берилади. Бир хил турдаги юкларни белгиланган қатнов бўйича ташинишда маълум миқдордаги юкларга ёки йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар томонидан белгиланган муддатга рухсатномалар берилиши мумкин (бу ҳолда ташилаётган юк ҳажми, аниқ бир объектнинг қурилиш муддати ва бошқалар ҳисобга олинади).

Мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ ҳаракатланиш йўналиши келишиб олиниши керак бўлган ташкилотларнинг аниқ рўйхати рухсатномани берувчи йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар томонидан кўрсатилади.

11. Юк ташишнинг ҳаракат йўналишини келишиб олиш автомобиль йўллариغا эгалик қилувчи юридик шахслар билан биргаликда амалга оширилади.

12. Юк ташиш йўналиши бир ёки бир неча шаҳар ҳудудидан ўтадиган бўлса, уни келишиш ўша шаҳарлар ҳокимликларининг тегишли ташкилотлари билан амалга оширилади.

Юкнинг баландлиги йўл сатҳидан 4,5 метрдан юқори бўлган тақдирда шаҳар электр транспорти, электр тармоғи ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан келишиш шарт.

13. Қўйидаги ҳолларда темир йўл органлари билан келишиш амалга оширилади:

юк ташиш йўналиши темир йўл билан бир сатҳда кесишганда, транспорт воситасининг юк билан ёки юксиз кенглиги 5 метрдан, йўл сатҳидан баландлиги 4,5 метрдан, бир тиркамали (ярим тиркамали) автопоезднинг узунлиги 20 метрдан, икки ва ундан ортиқ тиркамали автопоезднинг узунлиги 24 метрдан ортиқ бўлса, шунингдек транспорт воситасининг умумий оғирлиги 52 тоннадан юқори ёки ҳаракатланиш тезлиги соатига 5 километрдан кам бўлса;

юк ташиш йўналиши темир йўл кўприги, темир йўл ўтказгичи остидан ўтганда, транспорт воситасининг кенглиги юки билан ёки юксиз 5 метрдан ортиқ, баландлиги йўл сатҳидан 4,35 метрдан ортиқ бўлса.

14. Мазкур Қоидаларнинг 9, 10, 12 ва 13-бандларида кўрсатилган тегишли ташкилотларга юбориладиган келишиш хатларида ҳаракатланиш йўналиши, белгиланган санаси ва вақти, транспорт воситасининг юк билан энг кам бурилиш радиуси, филдирак йўлларининг ва филдиракларнинг сони, уларнинг жойлашиш чизмаси, ўқларга тушадиган оғирликнинг тақсимланиши, умумий оғирлиги, юкли транспорт воситасининг ўлчамлари, транспорт воситасининг русуми ва тури кўрсатилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудида ва вилоятлараро юк ташиш амалга ошириладиган бўлса йўналиш чизмаси ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари билан келишилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки ташқаридан мамлакат ҳудудида юкларни ташишда, шунингдек мамлакат ҳудудидан юкларни транзит ташишда йўналиш чизмаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси билан келишилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари йўлдаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда рухсатнома ва йўналишни белгилаб берган ташкилот билан келишиб йўналиш чизмасига ҳамда ташиш муддатига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

16. Юк ташувчи ёки юк жўнатувчи жисмоний ёки юридик шахс (ёки уларнинг вакиллари) йўлга эгалик қилувчи юридик шахслардан махсус рухсатнома ва йўналиш чизмасини олгандан сўнг Давлат йўл ҳаракати хавф-

сизлиги хизмати органлари билан белгиланган тартибда йўналиш чизмасини келишиш учун ташувни амалга оширишдан камида 3 кун олдин қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

транспорт воситаси, тиркамасининг русуми, тури, давлат рақами белгилари ва юкнинг ўлчамлари ҳамда вазни кўрсатилган хат;

ҳайдовчи ва юк ташишга масъул бўлган ходимларнинг исми, фамилияси, отасининг исми;

тегишли ташкилотлар билан келишилган ҳаракатланиш йўналиши белгиланган чизма ва махсус рухсатнома нусхалари.

17. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки ташқаридан мамлакат ҳудудига юкларни ташишда, шунингдек мамлакат ҳудудидан юкларни транзит ташишда ваколатли органлардан олинган ва келишилган рухсатнома ҳамда йўналиш чизмаси тегишли божхона постларига тақдим этилади ва белгиланган тартибда ҳаракатланишини бошлашга рухсат берилади.

III. Юк ташишга рухсатнома беришда қўйиладиган талаблар

18. Юк ташишга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куннинг фақат ёруғ вақтларида рухсат берилади.

Истисно тариқасида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати розилиги билан кечаси юк ташишга рухсат берилиши мумкин, бунда юк ташиётган ташкилот томонидан ҳимоя қилувчи автомобиль ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан кузатувчи махсус автомобиль ажратиши шарт.

19. Йўл шароитлари ва транспорт воситалари ҳаракатининг серқатнов вақтларини ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатланиш учун юқори хавф туғдириб, уларнинг узоқ муддат тўхтаб қолишига сабаб бўлса, юк ташишга рухсат берилмайди.

20. Юк ташишда ҳаракат тезлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан йўналиш чизмаси келишилаётганида ташилаётган юкнинг оғирлиги, ҳажми ва бошқа хусусиятлари ҳамда йўл шароитлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Рухсат этиладиган энг юқори тезлик 50 км/соатдан ошмаслиги керак. Тезликни чегараловчи белги транспорт воситасига йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган тарзда ўрнатилади.

21. Кузатиб бориш зарурияти ҳамда кузатув тури Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан йўналиш чизмаси келишилаётганда белгиланади.

22. Кузатиб бориш жўнатувчи ёки ташувчи ташкилот томонидан ҳимоя қилувчи ва шатакка олувчи автомобиллар (ташилаётган юкнинг тури ва йўл шароитларига қараб) ажратилган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг кузатувчи махсус автомобили билан амалга оширилади.

23. Агар транспорт воситасининг юки билан биргаликда кенглиги 3,5 метрдан ёки узунлиги 24 метрдан ошса, шунингдек транспорт воситаси

меъеридан ортиқ оғирлик билан (4-илова) ҳаракат қилиши керак бўлса, автомобилнинг ҳаракат хавфсизлиги тўлиқ таъминланиши учун ҳимоя қилувчи автомобиль бўлиши шарт.

Юк ташувчи ёки юк жўнатувчи жисмоний ёки юридик шахс (ёки уларнинг вакиллари)нинг бунга имкони бўлмаса белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига кузатувчи махсус автомобиль ажратиши учун мурожаат этишлари мумкин.

24. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати патруль автомобили билан кузатиб бориш қуйидаги ҳолларда (белгиланган тартибда тўлов асосида) амалга оширилади:

транспорт воситасининг кенглиги 4,0 метрдан ошса;

автопоезд узунлиги 30 метрдан ошса;

транспорт воситаси ҳаракатланиш даврида қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагини, қисман бўлса-да, эгаллашга мажбур бўлса;

ҳаракатланиш даврида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чоралар кўриш зарурияти туғилса;

юкни ташувчи ёки жўнатувчи томонидан юкни кузатиб бориш масаласи бўйича Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига мурожаат қилинса.

25. Ҳимоя қилувчи автомобиль юк ташиётган транспорт воситасидан олдинда ҳаракатланиши керак. Бунда ҳимоя қилувчи автомобиль юк ташиётган транспорт воситасига нисбатан чапроқ томонда ҳаракатланиши, яъни унинг кенглиги юк ташувчи транспорт воситасининг кенглигидан чап томонга чиққан бўлиши керак.

Ҳимоя қилувчи автомобилга сариқ рангли чироқ-маёқча ўрнатилади, унинг ёқилган ҳолатдаги ҳаракатланиши бошқа қатновчилар учун огоҳлантирувчи қўшимча хабар беради, лекин уларга нисбатан ҳаракатланишда имтиёз бермайди.

26. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг кузатувчи махсус автомобили томонидан кузатиб бориш тартиби юк ташувчи автомобилни ҳимоя қилувчи автомобиль каби амалга оширилади.

Юк ташишни амалга ошириш даврида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида кузатувчи махсус автомобиль чорраҳаларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тўхтатиши ҳам мумкин.

27. Кузатиб бориш вақтида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати кузатувчи махсус автомобилнинг чироқ-маёқчаси ёқилган бўлиши керак.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати кузатувчи махсус автомобиллари, ҳимоя қилувчи ва юк ташишни амалга ошираётган транспорт воситалари кундуз куни габарит ҳамда яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган ҳолда ҳаракатланиши шарт.

28. Юкни ташиш йўналиши икки ва ундан ортиқ вилоят ҳудудидан ўтса, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати патруль автомобилининг кузатиб бориш тартиби кузатув учун рухсат берган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи томонидан белгиланади. Бу ҳақда йўналиш бўйича ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари хабардор этилади.

29. Жорий этилган йўналиш бўйича ҳаракатланиш бошланишидан аввал транспорт воситаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ва юк ташишни амалга ошираётган ташкилотнинг вакили томонидан кўздан кечирилади.

Рухсатнома ва йўналиш чизмаси транспорт воситасининг ва юкнинг йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлиги ҳақида муҳр билан тасдиқланади (бундай ёзуви бўлмаган рухсатнома ҳақиқий ҳисобланмайди).

Рухсатнома ва йўналиш чизмаси ҳайдовчи ёки транспорт воситасини кузатиб боровчи шахсда бўлиши, ҳаракатланиш йўналиши транспорт воситасининг йўл варақасида кўрсатилиши шарт.

IV. Ҳайдовчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар

30. Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ва тажрибасига эга бўлган ҳайдовчиларга катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташувчи транспорт воситасини бошқаришга рухсат берилади.

31. Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиш даврида ҳайдовчилар мазкур Қоидалар ва йўл ҳаракати қоидалари талабларига риоя қилишлари шарт.

32. Ҳаракатланиш жараёнида ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришга мажбур:

карама-қарши томондан келаётган транспорт воситаларига хавф туғдирмай ва ҳалақит бермай ўтказиб юбориш учун барча чораларни кўришга, керак бўлса тўхтаб туриш;

ҳаракатланишдаги транспорт воситаларига ҳалақит бермаслик мақсадида ва орқа томонда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг қувиб ўтишларига шароит яратиш учун вақти-вақти билан қулай жойларда тўхташ;

фақат куннинг ёруғ вақтида ҳаракатланиш (Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати розилиги билан истисно тариқасида рухсат этилганларидан ташқари).

33. Ҳайдовчиларга қуйидагилар тақиқланади:

50 км/соат ва ундан ортиқ тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини қувиб ўтиш;

бошқа транспорт воситаларини шатакка олиш;

йўл марзаси бўйлаб ҳаракатланиш;

белгиланган ҳаракатланиш йўналишини ўзбошимчалик билан ўзгартириш;

йўлнинг минтақасида жойлашган махсус тўхташ жойларидан ташқарида тўхташ.

34. Юкни ташиш пайтида тасдиқланган йўналишга қатъий риоя қилиниши шарт. Агар юк ташишда тасдиқланган йўналишни ўзгартириш зарур бўлиб қолса, юкни ташишни амалга ошираётган ташкилот ўзгартирилган йўналиш бўйича янги рухсатнома олиши керак.

**V. Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва
жиҳозланишига ҳамда юкларнинг белгиланишига
қўйиладиган қўшимча талаблар**

35. Техник кўрсаткичлари катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташишга мўлжалланмаган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

36. Транспорт воситаларида ташилаётган катта ҳажмли юкларни мустаҳкам тутиб туриш учун мўлжалланган барча мослама ва қурилмалар суриладиган (йиғиладиган) қилиб тайёрланган бўлиб, катта ҳажмли юк ортилмаган вақтда транспорт воситасининг габарит ўлчамлари белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳолатда бўлиши керак.

37. Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташишни амалга ошираётган транспорт воситасининг техник ҳолати йўл ҳаракати қоидаларига, ишлаб чиқарувчи корхона ҳамда мазкур Қоидалар талабларига жавоб берадиган бўлиши керак.

38. Автопоезд ҳаракатланаётганда тиркаманинг ён томонларга тебраниши тортувчи автомобилга нисбатан ҳар бир томон учун габарит ўлчамларидан 3 фоиздан ошмаслиги керак.

39. Автопоездни тўхтатиш тизими тортувчи автомобилнинг тўхтатиш педалидан ишлаши керак ва тўхтатиш кучи унинг бўлинмалари бўйича шундай таъминланиши лозимки, бунда автопоезд тўхташ пайтида «йиғилиш» ҳолати рўй бермаслиги зарур.

40. Тиркамалар билан ишлаш учун мўлжалланган тортувчи автомобилнинг тиркама ва ярим тиркама билан боғловчи ускуналари узилганда, уларда тўхтатиб қолувчи ишчи ёки авария мосламалари бўлиши шарт.

41. Тортувчи автомобилдан ажратилган, юкланган тиркама ва ярим тиркамалар 16 фоизли қияликда ҳам мустаҳкам туришини таъминловчи мосламалар билан жиҳозланиши ҳамда ҳаракатланишда уларнинг барча филдиракларига таъсир этувчи тортувчи автомобиль билан боғловчи қисми узилганда ўз-ўзидан (автоматик) тўхтатишни таъминловчи ишчи тўхтатиш тизими бўлиши шарт.

42. Оғир вазнли юкларни ташишга мўлжалланган автопоезднинг ҳар бир бўғинида камида иккитадан тўхтатиш понаси бўлиши керак (қияликларда тўхташга мажбур бўлганда фойдаланиш учун).

43. Автомобиль кабинаси чап ва ўнг томондан орқани кўрсатувчи иккита кўзгу билан жиҳозланиб, бу кўзгулар ташилаётган юкнинг ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда горизонтал ва вертикал текисликларнинг етарли даражада кўринишини таъминлаши керак.

Орқа томонни кўрсатувчи кўзгулар автомобиль ўқиға параллел йўналтирилган, 20 — 25 килограмм билан таъсир қилганда олди ва орқага сурилишини таъминловчи мосламага эға бўлиши керак.

44. Узунлиги 6 метрдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек тортувчи автомобиллар белгиланган тартибда ён томонидан бурилишни кўрсатувчи чироқлар билан қўшимча равишда жиҳозланган бўлиши керак.

45. Тиркама ва ярим тиркамали юк автомобиллари кабинасининг устки ўрта қисмига автопоезд ҳақида огоҳлантирувчи ичи ёритиладиган, тенг томонли (томони 250 миллиметр), сариқ рангдаги белги ўрнатилган бўлиши керак. Автопоездни белгилаш учун кабина устки қисмига горизонтал жойлашган сариқ рангли 3 та чироқ ўрнатиш мумкин.

46. Тиркама ва ярим тиркаманинг орқа томонига 2 та қизил рангдаги ёруғлик қайтарувчи мослама ўрнатилади. Уларнинг ҳар бири тенг томонли учбурчак (томонлари 150 миллиметрдан 200 миллиметргача) шаклида бўлиб, учлари юқорига қаратилган ҳолда, кенглик бўйича ташқи ҳажмдан 0,4 метрдан ортиқ бўлмаган масофада ўрнатилиши керак. Тиркама ёки ярим тиркаманинг олдинги деворида юмалоқ шаклдаги 2 та (диаметри 0,2 метргача) ташқи ҳажмдан 0,15 метрдан ортиқ бўлмаган масофада оқ ёруғ қайтаргич ўрнатилиши керак.

47. Транспорт воситасининг олди ёки орқа томонининг ҳажмидан 1 метр чиқиб турган ёки кенглиги бўйича олдинги ёки орқа ҳажм чироқларининг ташқи қирраларидан 0,4 метрга чиқиб турган юк кундуз куни орқа ва олдида огоҳлантирувчи тахтача ёки байроқчалар (400 x 400 миллиметр) билан белгиланади. Улар диагональ бўйича кенглиги 50 миллиметр бўлган қизил ва оқ чизиқлар билан кетма-кет чизилган бўлиши керак.

Тунги вақтда эса ёки кўриниш масофаси етарли бўлмаган шароитда ёруғлик қайтарувчи мосламалар ва чироқлар (олдида оқ, орқасида қизил рангли) ўрнатилган бўлиши керак. Узунлиги ва кенглиги бўйича транспорт воситалари белгиланган талабга жавоб бермаса, бундай транспорт воситаларининг барчаси юқорида баён қилинганидек жиҳозланиши керак.

48. Баландлиги йўл сатҳидан 4,5 метр ва ундан ортиқ юкларни ташиш вақтида юкли транспорт воситасининг олдида ҳаракатланаётган ҳимоя қилувчи автомобилга битта ёки иккита огоҳлантирувчи сариқ рангли чироқча ўрнатилиши мумкин, бу чироқлар тунги вақтда ёки кўриниш етарли бўлмаган шароитларда ёқилади. Чироқчалар ташилаётган юк ҳажмининг юқори чегарасидан 5 — 10 сантиметр баланд қилиб ўрнатилади ва улар асосий тортувчи автомобиль ҳайдовчисига кўриниб туриши керак.

49. Автопоезднинг узунлиги 20 метрдан ортиқ бўлса транспорт воситасининг орқа томонига махсус тахтача ўрнатилади. Унда автопоезднинг ҳақиқий узунлигини кўрсатувчи ёзув бўлиши керак (5-илова).

50. Юк ташиётган автомобилга ҳимоя қилувчи, шатакка олувчи ва итарувчи автомобиллардан ташқари, техник таъмирлаш учун зарур бўлган қўшимча махсус транспорт воситалари (чилангарлик устахоналари, автокўтаргич ва бошқалар) ажратилиши мумкин.

VI. Оғир вазнли транспорт воситаларининг сунъий иншоотлардан ўтишдаги алоҳида ҳолатлари

51. Оғир вазнли юкларни ташувчи транспорт воситаларининг сунъий иншоотлардан ўтиши йўл ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига асосан белгиланади.

52. Йўл ташкилотлари 30 тоннадан кам оғирликка мўлжалланган барча сунъий иншоотлар олдига белгиланган тартибга асосан «Чегараланган оғирлик» — огоҳлантирувчи йўл белгисини ўрнатиши керак.

53. Агар транспорт воситасининг ҳақиқий оғирлиги меъёрий оғирлик ўлчамларидан ортиқ бўлса (3-илова), лекин 4-иловада келтирилган бирликлардан юқори бўлмаса, бу ҳолда транспорт воситаси қуйидагиларга риоя қилиш шarti билан ўтказиб юборилиши мумкин:

сунъий иншоотларда ҳаракатланаётганда у ерда бошқа транспорт воситалари бўлмаслиги керак;

юк ортилган транспорт воситаси йўл қатнов қисмининг ўқи бўйича 10 км/соатдан юқори бўлмаган тезлик билан ҳаракатланиши керак.

54. Агар транспорт воситасининг умумий оғирлиги 4-иловада келтирилган ўлчамлардан ортиқ бўлса, (бошқа йўналишдан айланиб ўтиш, бошқа транспорт русуми билан ташиш, юкни бўлиб ташиш мумкин бўлмаган тақдирда) юк ташишни амалга ошираётган ташкилот ҳаракатланишга рухсатнома олиши учун тегишли ташкилотларга 3 ой олдин буюртма бериши керак. Буюртмада мазкур Қоидаларнинг 14-бандига мувофиқ маълумотлар берилган бўлиши зарур.

Тегишли ташкилотлар буюртмани олгандан кейин бир ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда сунъий иншоотдан юриш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида хабар берадилар.

55. Оғирлиги меъёрдан юқори бўлган транспорт воситасини сунъий иншоотдан хавфсиз ва бетўхтов ўтказиш учун унинг сунъий иншоот ўқи бўйича 10 км/соатдан ортиқ бўлмаган тезликда бир текисда, тўхтамасдан ҳаракатланиши таъминланиши керак.

Транспорт воситасининг сунъий иншоот орқали ҳаракатланиши фақат сунъий иншоотдан фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда, унинг тагидан ўтаётган барча транспорт воситаларининг ҳаракати вақтинчалик тўхтатилгандан кейин амалга оширилади.

Меъёрдан ортиқ юк ортилган транспорт воситасини сунъий иншоотдан ўтказиш вақтида бошқа транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракати тақиқланади.

Мажбурий тўхташ рўй берган ҳолларда транспорт воситасини сунъий иншоотдан зудлик билан олиш чораларини кўриш керак.

56. Транспорт воситасининг орқа томонида бошқариладиган бурилувчи тиркама бўлган ҳолларда унинг оператори ва тортувчи автомобиль ҳайдовчиси ўртасида ишончли радио ёки телефон алоқаси мавжуд бўлиши керак.

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни
автомобиль транспортида ташишда ҳаракат
хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига
1-ИЛОВА

Автотранспорт воситаларининг рухсат этилган МАССАСИ

Т/р	Автотранспорт воситаларининг турлари	Гуруҳлар бўйича тўлиқ массаси, тн	
		А	В
1	2	3	4
1.	Юк автомобиллари:		
	икки ўқли	18	12
	уч ўқли	24	16
	ҳаволи ёки унга эквивалент подвеска билан жиҳозланган, икки жуфт гилдиракли етакчи ўқи бўлган уч ўқли	25	16
	тўрт ўқли	30	22
	ҳар бири 2 жуфт гилдиракдан иборат ва ҳаволи ёки унга эквивалент подвеска билан жиҳозланган 2 та етакчи ўқи бўлган 4 ўқли	32	24
2.	Аралаш транспорт воситаларининг қисмини ташкил этувчи транспорт воситалари:		
	икки ўқли тиркама	18	12
	уч ўқли тиркама	24	16
3.	Аралаш транспорт воситалари:		
	оғир автопоездлар, бир ўқли ярим тиркамали икки ўқли юкортгич	28	18
	ўқлари орасидаги масофа 1,3 метрдан 1,8 метргача бўлган икки ўқли ярим тиркамали икки ўқли юкортгич	36	23
	ўқлари орасидаги масофа 1,8 метрдан ошадиган икки ўқли ярим тиркамали икки ўқли юкортгич (агар автопоезд 18 тоннали юк автомобили ва 20 тоннали ярим тиркамадан иборат бўлса ва етакчи ўқи қўш гилдиракли ва ҳаволи ёки унга эквивалент подвеска билан жиҳозланган бўлса, рухсат этилган оғирлик 2 тоннага оширилиши мумкин)	38	24
	уч ўқли ярим тиркамали икки ўқли юкортгич	40	28,5
	икки ўқли ярим тиркамали уч ўқли юкортгич		
	уч ўқли ярим тиркамали уч ўқли юкортгич		
	40 футли ISO контейнерни ташувчи уч ўқли ярим тиркамали уч ўқли юкортгич	44	32
4.	Тиркамали автопоездлар:		
	икки ўқли тиркамали икки ўқли юк автомобили	36	24
	уч ўқли тиркамали икки ўқли юк автомобили	42	30
	икки ўқли тиркамали уч ўқли юк автомобили	42	30
	уч ўқли тиркамали уч ўқли юк автомобили	44	32
5.	Автобуслар:		
	икки ўқли	18	12
	уч ўқли	24	16
	шарнирли уланган уч ўқли	28	—
	шарнирли уланган тўрт ўқли	28	—

Изоҳлар:

1. Якка автомобиллар (юкортгичлар) учун тўлиқ массаси 30 тоннадан ортишига рухсат этилмайди.

2. Автотранспорт воситалари тўлиқ массасининг чегаравий миқдорлари ўқлар бўйича бир текис тақсимланганда ўқларга тушадиган оғирликлар фоизи 35% дан ортиқ бўлмаса, олдинги ўқ учун эса 40% дан ошмаса рухсат этилади.

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига
2-ИЛОВА

Ўқ бўйича вазн белгилари (оғир юкланган юкнинг филдираклар орқали йўлга кўрсатадиган таъсири)

Оралиқ ўқлар орасидаги масофа, метр	Ўққа тушувчи оғирлик, тонна	
	А гуруҳи	В гуруҳи
2,5 ва ундан ортиқ	13,0	6,0
1,39 дан 2,5 гача	9,0	5,5
1,25 дан 1,39 гача	8,0	5,0
1,0 дан 1,25 гача	7,0	4,5

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига
3-ИЛОВА

Меъёрий оғирлик ўлчамлари

Кўприкка тушувчи оғирликнинг ҳисоб тизими	Меъёрий оғирлик	
	Умумий ҳақиқий вазн, тн.	Минимал база, метр
Н 8 ва НГ-30	10,5 дан ортиқ эмас	4
Н10 ва НГ-60	13,0 дан ортиқ эмас	4
Н13 ва НГ-60	17,0 дан ортиқ эмас	4
Н18 ва НК-80	30,0 дан ортиқ эмас	6,8
Н30 ва НК-80	30,0 дан ортиқ эмас	6,8

Изоҳ:

НГ — (занжирли оғирлик).

НК — (филдиракли оғирлик).

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига
4-ИЛОВА

Меъёрдан юқори бўлган оғирлик ўлчамлари

Кўприкка тушувчи оғирликнинг ҳисоб тизими	Меъёрдан юқори бўлган оғирлик		
	Умумий ҳақиқий вазн, т. к.	Ўққа тушувчи оғирлик, тн.	База, метр
Н 8 ва НГ-30	30 дан ортиқ эмас	7,6 дан ортиқ	4 дан кам
Н10 ва НГ-60	60 дан ортиқ эмас	9,5 — 13	5
Н13 ва НГ-60	60 дан ортиқ эмас	16	5
Н18 ва НК-80	80 дан ортиқ эмас	20	3,6
Н30 ва НК-80	80 дан ортиқ эмас	20	3,6

Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига
5-ИЛОВА

Узун ўлчамли транспорт воситаси белгиси

